

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИШАНДЖАНОВА СУРАЙЁ ХАБИБУЛЛАЕВНА

ПЕЙЕР ПИЛАКЧАЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИГА
ОНАЛАРДАГИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГИПОТИРЕОЗНИНГ ТАЪСИРИ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ишанджанова Сурайё Хабибуллаевна

Пейер пилакчаларининг ихтисослашувига оналардаги
экспериментал гипотиреознинг таъсири..... 3

Ишанджанова Сурайё Хабибуллаевна

Влияние экспериментального гипотиреоза у матери
на развитие и дифференцировку пейеровых бляшек..... 25

Ishandjanova Surayo Khabibullaevna

Influence of maternal experimental hypothyroidism on
the development and differentiation of Peyer's patches..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИШАНДЖАНОВА СУРАЙЁ ХАБИБУЛЛАЕВНА

ПЕЙЕР ПИЛАКЧАЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛАШУВИГА
ОНАЛАРДАГИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГИПОТИРЕОЗНИНГ ТАЪСИРИ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib830 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Азизова Феруза Хусановна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Орипов Фирдавс Суръатович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Рахматова Муқаддас Халтаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қалқонсимон безнинг дисфункциялари орасида сўнгги йилларда тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қиладиган «оналар гипотиреози» (гестацион гипотиреоз ёки ҳомиладорлик гипотиреози) алоҳида ўрин тутаяди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, қалқонсимон без патологияси аёлларда ҳомиладорлик даврида ва ҳомилада гомеостатик механизмларнинг шаклланишида юқори хавф омилidir. Ҳомиладор аёлларда гипотиреоз муаммосининг турли мутахассисликлар шифокорлари амалиётида долзарблиги шубҳасиздир, чунки инсон танасидаги деярли ҳар бир ҳужайранинг нормал ривожланиши ва ишлаши учун зарур бўлган қалқонсимон без гормонлари етишмовчилиги билан барча аъзо ва тизимларда жиддий ўзгаришлар юзага келади. Ҳомиладор аёлларда гипотиреозидизм, турли манбааларга кўра, барча ҳомиладор аёлларнинг 2-2,5% да кузатилади ва у субклиник ёки манифест шаклларда ўзини намоён қилиши мумкин. Қалқонсимон без репродуктив функцияни нормал сақлаш учун катта аҳамиятга эга: гипотиреоз аёлларда бепуштлиққа олиб келиши мумкин; ҳомиладор аёлларда гипо- ва гипертиреоз ҳолатлари наслга зарарли таъсир кўрсатади, бу ўз навбатида қалқонсимон безнинг структур ва функционал дисорганизациясига, дискоординацияга олиб келади. Шунинг учун ҳомиладорлик гипотиреози муаммоси замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда оналардаги гипотиреоз шароитида туғилган авлодларда кузатилаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, оналардаги гипотиреозни авлод иммун тизимининг постнатал ривожланишига таъсирининг механизмларини очиқ бериш, онада қалқонсимон без етишмовчилиги шароитида туғилган авлодда ривожланиши мумкин бўлган иммун бузилишларининг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, қалқонсимон без дисфункциялари натижасида юзага келадиган оқибатларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида аҳолига малакали хизматлар кўрсатиш сифатини хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий, юқори технологияли, ихтисослаштирилган тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иммуни ва эндокрин тизимлар ўртасидаги яқин алоқалар қатор илмий-тадқиқот ишларида кўрсатилган (М.Абдурахмонов, 2002; Л.И.Бобро ва бошқ., 2002; М.В.Робинсон ва бошқ., 2013; К.Vander Weerd ва бошқ., 2014; К.Wu ва бошқ., 2017). Аниқланишича, эндокрин аъзоларнинг турли хил бузилишлари организмдаги маълум иммун ўзгаришлар билан бирга кечади ва, ўз навбатида, қатор иммун бузилишлар организмнинг эндокрин функцияларини ўзгаришларига олиб келади (Ю.А.Гриневиц ва бошқ., 2002). Шу муносабат билан қалқонсимон без ва иммун тизими ўртасидаги муносабатлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қалқонсимон безнинг Т4 ва Т3 гормонлари, шунингдек, тиреотроп гормони макрофаглар, дендритик хужайралар ҳамда Т- ва В- лимфоцитларининг субпопуляцияларини ўз ичига олган иммункомпетент хужайраларни ривожланишига таъсир кўрсатади (С.Perrota ва бошқ., 2014; М.У.Вилал ва бошқ., 2017; Е.Л.Жара ва бошқ., 2017). Клиник кузатишлар натижасида қалқонсимон без касалликлари организмда турли хил иммун бузилишларга сабаб бўлиши аниқланган. Уларнинг табиати ва даражаси кўп ҳолларда қалқонсимон без гормонларининг миқдорига боғлиқ (О.И.Кузменок ва бошқ., 2000; И.А.Левченко, В.В.Фадеев, 2002; А.Brinkaneetal., 2004; А.Pyziketetal, 2015; Vandana ва бошқ., 2018). Гипо- ва гипертиреоид ҳолатларининг иммун тизимига таъсирини ўрганишга бағишланган яқин ва узоқ хорижий олимларнинг кўплаб тадқиқот ишлари мавжуд. Экспериментал гипотиреоидизмнинг ҳомиладор каламушлар ҳамда улардан туғилган наслнинг баъзи иммунологик ва гематологик

параметрларига салбий таъсирини кўрсатадиган тадқиқотлар мавжуд (R.Nakamura ва бошқ., 2007). Муаллифларнинг таъкидлашича, метимазол ва пропилтиоуратцил воситалари ёрдамида чақирилган гипотиреозидизм тана вазни, шунингдек тимус ва талоқ вазнининг камайишига олиб келган. Т- ва В-лимфоцитларнинг субпопуляцияларида номуносивлик кузатилган: фаол бўлмаган Т-лимфоцитлар сонининг нисбатан кўпайиши билан В-лимфоцитлар сонининг камайиши қайд этилган. Шу билан бирга, қалқонсимон без гормонлари етишмовчилигининг иммуногенез жараёнига таъсири табиати ва механизми ноаниқ ҳамда қарама-қарши бўлиб қолмоқда, бу, айниқса, гипотиреоз шароитида авлод иммун аъзоларининг эмбрионал ва постэмбрионал ривожланишига таалуқли. Оналар гипотиреозининг авлод иммун аъзоларини пре- ва постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсири етарли даражада ўрганилмаган. Мавжуд маълумотлар бир-бирига зиддир (Flood D.E. ва бошқ., 2013; G.E.Krassas, 2010).

Ўзбекистонда қалқонсимон без дисфункциясининг турли аъзоларга, хусусан, асаб, юрак-қон томир, иммун, аёл ва эркак жинсий тизимларига таъсири бўйича қатор клиник ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилмоқда (М.А.Тиллабоев, 2004; А.А.Юнусов, 2014; К.Р.Тўхтаев, 2019; М.Т.Юлдашева, 2018; Г.И.Мадаминова, 2023). Шу билан бирга, гипотиреозли оналардан туғилган авлодда иммун аъзоларининг постнатал ривожланиши ва шаклланиши, уларнинг структур ва функционал механизмлари деярли ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Ҳомиладор аёлларда гипотиреоз муаммосининг ўта долзарблиги, унинг авлод иммун тизимига салбий оқибатлари бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги ва бир-бирига зидлиги, ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотларнинг юқори даражада долзарблигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Турли хил тажрибавий патологияларда иммун ва ҳазм тизими аъзоларининг постнатал ривожланишида организм ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг функционал-метаболик ва структур тавсифлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлодда ингичка ичак шиллиқ пардаси Пейер пиллакчаларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишининг структур хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг жисмоний ривожланиши ва қалқонсимон без функцияларини баҳолаш;

соғлом каламушлардан туғилган авлоднинг ривожланиш динамикасида ингичка ичак шиллиқ пардаси ва Пейер пиллакчаларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолаш;

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг ривожланиш динамикасида Пейер пилакчаларининг морфологик ва морфометрик хусусиятларини баҳолаш;

тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлод Пейер пилакчалари ҳужайраларининг пролифератив фаоллиги ва апоптоз даражасини иммуногистокимёвий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 160-180 г оғирликдаги 50 та жинсий етук, илгари туғмаган, оқ, зотсиз урғочи каламушлар, шунингдек, улардан туғилган 344 та (209 та – назорат гуруҳи, 135 та – тажриба гуруҳи) каламуш болалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида экспериментал гипотиреоз чақирилган оналардан олинган авлоднинг эрта постнатал ривожланиш динамикасида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, қалқонсимон безнинг функционал ҳолати, Пейер пилакчаларининг структур ва функционал хусусиятларини комплекс баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлоднинг жисмоний ривожланиши, тиреоид статуси ва Пейер пилакчаларини структур хусусиятларини комплекс баҳолаш учун ёруғлик микроскопияси, морфометрия, иммуногистокимёвий, иммуннофермент ва вариацион статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

постнатал онтогенезнинг эрта даврида оналар гипотиреозининг авлоднинг жисмоний ривожланиши ва тиреоид статусининг шаклланишига салбий таъсири исботланган;

ингичка ичак шиллик пардаси ва Пейер пилакчаларининг постнатал шаклланишининг структур қонуниятлари аниқланиб, ушбу жараёнларни овқатланиш характери билан бевосита боғлиқлиги асосланган;

ҳомиладорлик ва лактация даврларида гестацион гипотиреоз шароитида туғилган авлод Пейер пилакчаларининг постнатал онтогенез даврида структур ва функционал зоналарининг ривожланиш ва шаклланиш жараёнларини сезиларли даражада пасайиши исботланган;

гестацион гипотиреоз шароитида туғилган авлоднинг Пейер пилакчаларида лимфоид ҳужайраларнинг пролиферацияси ва апоптози жараёнлари ўртасида номутаносибликнинг ривожланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

организмнинг тўлақонли жисмоний ривожланиши ҳамда Пейер пилакчаларининг шаклланишида қалқонсимон без гормонларининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

оналар гипотиреозининг авлод Пейер пилакчаларини ривожланиши ва шаклланишига салбий таъсирининг морфологик механизмларини очиқ берилиши ҳомиладорлик ва лактация даврларида гипотиреоз ҳолати кузатилган оналардан туғилган болаларда иммун тизимининг бузилишларини олдини олиш ва фармакологик тўғирлашнинг янги, самарали усулларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, экспериментал ҳайвонларнинг етарли миқдорда танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллар асосида тажрибавий гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган авлодда ингичка ичак шиллиқ пардаси Пейер пиллакчаларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишининг структур хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тажрибада гипотиреоз чақирилиган урғочи каламушлардан туғилган авлодда Пейер пиллакчаларининг ривожланиши ва шаклланишининг бузилиши бўйича аниқланган қонуният иккиламчи иммун танқислиги патогенези ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам бериши ҳамда патологик шароитларда тиреоид-иммун тизимлараро муносабатларини тушунишга маълум бир даражада ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оналардаги гипотиреоидизм шароитида туғилган авлодда Пейер пиллакчаларининг кейинги ўсиши ва шаклланишининг бузилишида аниқланган структур-функционал механизмлар ривожланиши мумкин бўлган салбий оқибатлар, шу жумладан, иммун танқислигининг олдини олиш ва даволашнинг патогенетик усулларини тайинлаш учун илмий асос бўлиши, ҳомиладор аёллар ва гўдакларда қалқонсимон без фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларда гипотиреоз ҳолатларини эрта аниқлашга қаратилган патогенетик профилактика ва даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2024 йил 15 февралдаги 02/072-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 16 июндаги 09-04757-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: постнатал онтогенезнинг эрта даврида оналар гипотиреозининг авлоднинг жисмоний ривожланиши ва тиреоид статусининг шаклланишига салбий таъсири исботлангани Ё.Х.Тўракулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 27.06.2023 йилдаги 149-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 18.07.2023 йилдаги 29-1/U-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* гипотиреозли оналардан туғилган болаларнинг жисмоний орқада қолишини ўз вақтида аниқлаш, эрта ташхислаш, профилактика

ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаяди. Даволаш натижаларини яхшилаш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* жорий қилинган тадқиқот натижалари ҳомиладор оналардаги гипотиреоз туфайли ҳомилада кузатиладиган иммун танқисликни олдиндан кўра билиш, даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* ҳомиладор аёллардаги гипотиреозидизмни эрта аниқлаш, улардан туғилган болаларнинг иккиламчи иммун танқислигининг самарали профилактика қилиш беморларнинг даволаниш маблағларини иқтисод қилиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: ингичка ичак шиллик пардаси ва Пейер пиллакчаларининг постнатал шаклланишининг структур қонуниятлари аниқланиб, ушбу жараёнларни овқатланиш характери билан бевосита боғлиқлиги асослангани Ё.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 27.06.2023 йилдаги 149-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 18.07.2023 йилдаги 29-1/У-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган авлодлар ингичка ичагининг Пейер пиллакчаларида кузатиладиган морфологик ўзгаришлари моделини яратилган. Олинган натижалар, юзага келувчи иккиламчи иммун танқисликни даволаш ва олдини олишга қаратилган илмий ишланма бўлиб хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида ингичка ичак шиллик пардасидаги морфологик ўзгаришлар ҳомилада юзага келиши мумкин бўлган иммун танқисликни эрта аниқлаш орқали даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* ингичка ичакнинг иммун тизими янги туғилганлик даврида тўлиқ шаклланмаган бўлиб, уларнинг шаклланиши бевосита овқатланиши она сутидан, аралаш овқатланиш тартибига ўтиши билан чамбарчас боғлиқлиги даволаниш харажатларини камайтириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: ҳомиладорлик ва лактация давларида гестацион гипотиреоз шароитида туғилган авлоднинг Пейер пиллакчаларининг постнатал онтогенез даврида структур ва функционал зоналарининг ривожланиш ва шаклланиш жараёнларини сезиларли даражада пасайиши исботлангани Ё.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 27.06.2023 йилдаги 149-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 18.07.2023 йилдаги 29-1/У-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* гипотиреозли оналардан туғилган авлоднинг ингичка ичак шиллик пардасидаги Пейер пиллакчаларининг структур-функционал зоналарининг ўрганилиши натижасида кузатиладиган асоратларни эрта прогнозлаш ва даволаш чора тадбирларини тўғри олиб бориш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* гипотиреоз ҳолатидаги оналардан туғилган болаларда олинган натижалар асосида эрта ташхислаш

даволаш муддатини қисқартириши, ҳамда даволашга кетадиган маблағни тежашга олиб келиши билан изоҳланади. *Хулоса:* оналардаги гипотиреоз ҳомиладорлик ва лактация даврларида наслнинг Пейер пилакчаларининг структур-функционал зоналарини пайдо бўлиш жараёнини сезиларли даражада бузди. Ушбу бузилишлар гипотиреоз билан оғриган оналардан туғилган авлодда келиб чиқиши мумкин бўлган иккиламчи иммун танқислигининг морфологик субстрати бўлиш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: гестацион гипотиреоз шароитида туғилган авлоднинг Пейер пилакчаларида лимфоид хужайраларнинг пролиферацияси ва апоптози жараёнлари ўртасида номутаносибликнинг ривожланиши исботлангани Ё.Х.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 27.06.2023 йилдаги 149-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 18.07.2023 йилдаги 29-1/U-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* гипотиреозли оналардан туғилган авлоднинг ингичка ичак деворидаги Пейер пилакчаларини Ki-67 ва Vcl-2 маркерларига иммуногистохимёвий текширув, лимфоцитларнинг миқдорини ўзгариши натижасида иммун танқисликни прогнозлаш ва даволаш чора тадбирларини самарали олиб бориш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялар иммун танқисликни ташхислаш, профилактика ва зарур терапевтик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камаяди. Даволаш натижаларини яхшилаш учун назарий асос бўлиб ҳизмат қилиши билан изоҳланади. *Хулоса:* Пейер пилакчаларининг постнатал ривожланишидаги бузилишлар механизми иммунокомпетент хужайраларнинг пролиферацияси ва апоптози жараёнлари ўртасидаги мувозанатни бузилиши пролиферациянинг сусайиши ва апоптознинг жадаллашувиغا асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мазусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қалқонсимон без ва иммун химоя аъзоларининг ўзаро боғлиқликларининг замонавий тасаввурлари**» деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбаалар таҳлили келтирилган, нормал ва патологик шароитларда Пейер пиллакчаларининг структур-функционал хусусиятлари бўйича адабиёт манбаалари муҳокама қилинган. Гипотиреозли оналардан туғилган авлод ингичка ичак деворидаги Пейер пиллакчаларининг ривожланиши ва шаклланиши ҳали етарлича ўрганилмаганлиги, ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида кейинги тадқиқотларни давом эттирилиши лозимлиги исботланган.

Диссертациянинг «**Урғочи каламушларда чақирилган тажрибавий гипотиреознинг авлод постнатал ривожланишига таъсирини ўрганиш методологияси**» деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва тажрибани кўйиш усуллари қамраб олган, шунингдек қўлланилган микроскопик, морфометрик, иммуногистокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари ҳақида маълумот берилган.

Тажрибалар оқ, зотсиз, жинсий етук ҳамда илгари ҳомиладор бўлмаган, 160-180 г оғирликдаги урғочи каламушларда, шунингдек, улардан туғилган каламуш болаларида ўтказилди. Барча ҳайвонлар бир хил рацион билан стандарт виварий шароитида сақланди. Соматик ва юқумли касалликларни истисно қилгандан сўнг, барча урғочи каламушлар икки гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ урғочи (экспериментал) каламушларга 21 кун давомида ҳар куни 100 г вазнга 0,5 мг дозада антитиреоид препарат мерказолил берилди ва уларда экспериментал гипотиреоидизм чақирилди. 2-гуруҳ (назорат) урғочи каламушларга физиологик эритманинг тенг ҳажми юборилди. Иккала гуруҳнинг ҳайвонлари кузатув остида бўлди. Таъкидлаш керакки, мерказолил бериш бошлангандан 2 ҳафта ўтгач, 1-гуруҳдаги каламушларнинг кўпчилигида ҳаракат фаоллиги ва иштаҳасининг бироз пасайганлиги, уйқучанлик ҳамда жун қопламаларининг бир мунча хиралашганлиги кузатилди. Қалқонсимон безнинг функционал ҳолатини аниқлаш учун тажрибанинг 15 ва 22-кунларида ҳар бир гуруҳдан 8 тадан урғочи каламушларнинг қон зардобидида қалқонсимон безнинг эркин тироксин (Т4) ва гипофизнинг тиреотроп гормони (ТТГ) концентрацияси аниқланди. Эркин Т4 концентрациясининг доимий пасайиши аниқлангандан сўнг, иккала гуруҳдаги урғочи каламушлар соғлом эркак каламушлар билан кўшилди ва уларда ҳомиладорликнинг ривожланиши кузатилди. Ҳомиладорликнинг

бошланиши урғочи каламушларнинг қин суртмаларида сперматозоидлар аниқланишига қараб назорат қилинди. Ҳомиладорлик юзага келганидан сўнг урғочи каламушлар эркак каламушлардан ажратилди, кейинги тадқиқотлар учун алоҳида қафасларга жойлаштирилди. Ҳомиладорлик ва лактация даврларида урғочи каламушларга мерказолил препаратининг 100 г тана вазнига 0,25 мг миқдорида ушлаб турувчи дозасини юбориш давом эттирилди, яъни тажриба гуруҳи каламушларида уруғланиш, ҳомиладорлик ва лактация даврлари мерказолил билан чақирилган гипотиреоз шароитида ўтди. Деярли барча урғочи каламушларда ҳомиладорлик ва туғиш даврлари асоратларсиз кечди.

Каламуш болалари туғилгандан сўнг бир ой давомида оналари билан бир қафасда сақланди. Каламуш болалари туғилгандан бошлаб 14 кунгача кўкрак сути билан озиқланди, ривожланишнинг 14-20 кунлари - аралаш овқатланишга ва 21 кундан бошлаб - оддий лаборатория рационига ўтди.

Туғилгандан 1, 7, 14 ва 30-кунларда каламуш болаларининг вазни тортилиб, тана узунлиги ўлчанди. Тана вазни ва узунлигини ўлчаш универсал стол тарози ва ўлчов лентаси ёрдамида амалга оширилди. Туғилгандан кейинги илк онтогенез динамикасида, каламуш болаларининг физиологик ривожланиши (қулоқ супрасининг ажралиши, кўзнинг очилиши, тананинг бирламчи ва иккиламчи жунлар билан қопланиши, курак тишларининг чиқиши, уруғдонларни мойка тушиши) визуал баҳоланди ҳамда, қалқонсимон без ва гипофиз гормонларининг концентрацияси текширилди.

Ҳар иккала гуруҳдан олинган авлод постнатал ривожланишнинг 3, 7, 14, 21 ва 30 кунлари енгил эфир наркози остида жонсизлантирилди. Тадқиқот муддатлари лаборатор каламушларни ёш бўйича даврийлаштириш асосида танланди [Западнюк В.И., 1971].

Тадқиқот материали бўлиб, кўрсатилган муддатларда олинган каламушларнинг оч ва ёнбош ичаклари шиллиқ пардаси ва Пейер пиллакчалари хизмат қилди.

Тажрибада жами 50 та оқ каламушлар (назорат – 25, тажриба – 25) дан фойдаланилди, шулардан 2 тасида ҳомиладорлик кузатилмаганлиги сабабли улар тажрибадан чиқарилди. Назорат ва тажриба гуруҳи урғочи каламушларидан туғилган каламуш болаларининг умумий сони 344 та (209 – назорат гуруҳи, 135 – тажриба гуруҳи) ни ташкил этди, шулардан 7 кун ичида назорат гуруҳидан 5 та, тажриба гуруҳидан 11 та каламуш болалари нобуд бўлди. Қолган каламуш болаларининг барчасидан морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва биокимёвий текширувлар мақсадида фойдаланилди.

Барча тажрибалар, ҳайвонларни сақлаш ва жонсизлантириш Ўзбекистон Республикаси этика Қўмитасининг рухсатномасига мувофиқ қатъий талабларга амал қилинган ҳолда бажарилди. Тажрибани ўтказиш тартиби 1-жадвалда кўрсатилган.

Тажриба ўтказиш схемаси

| Эксперимент ўтказиш босқичлари | Муддати | Каламушлар сони |
|--|---|-----------------|
| Тажриба гуруҳидаги урғочи каламушларга мерказолил препаратини 0,5 мг дозада 100 г тана вазнига қараб, интакт гуруҳга шу миқдорда физиологик эритма юбориш | 21 кун давомида | 25 (25)* |
| Иккала гуруҳ урғочи каламушларида эркин Т ₄ ва ТТГ гормонлари концентрациясини аниқлаш | Тажрибанинг 15-ва 22-куни | 8 (8) |
| Урғочи каламушларни соғлом эркак каламушлар билан қўшиш | Тажрибанинг 22-куни | 25 (25) |
| Урғочи каламушларларга: тажриба гуруҳида –100 г тана вазнига нисбатан 0,25 мг дозада мерказолил препаратини; назорат гуруҳида – тенг миқдорда физиологик эритма беришни давом эттириш; | ҳомиладорлик ва лактация даврида | 23 (25) |
| Каламуш болаларининг физиологик ривожланиши ва зоометрик кўрсаткичларини аниқлаш | туғилгандан 1-30-кунларида | 135 (209) |
| Каламуш болаларида ТТГ ва эркин Т ₄ концентрациясини аниқлаш | туғилганининг 7, 14, 21 ва 30-кунлари | 32 (32) |
| Каламуш болаларининг Пейер пиллакчаларини морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий ўрганиш | Туғилгандан кейинги 3, 7, 14, 21 ва 30-кунларда | 40 (40) |

Изоҳ: * – қавс ичида тажриба гуруҳидаги каламушлар сони келтирилган

Тадқиқотларда ёруғлик микроскопияси, морфометрия, иммуногистокимё, иммунофермент ва статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг тегишли муддатларида каламушларнинг ингичка ичаги ажратилиб олинди, илиқ физиологик эритма билан ювилди, вазни тортилиб, узунлиги ўлчанди, ингичка ичакдаги ПП сони саналди. Сўнгра, ингичка ичак нейтрал формалин ёки Буэн аралашмасининг 10%ли эритмасида фиксациялангандан сўнг, бўлакчалар концентрацияси ошиб борувчи спиртлардан ўтказилди ва парафинга қуйилди. Парафинсизлантирилган сўнг, қалинлиги 5-7 мкм бўлган кесмалар олиниб, гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялди.

Морфометрик тадқиқотларни амалга ошириш учун, NanoZoomer морфометрик компьютер дастуридан (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Hamamatsu (QuPath-0.4.0, NanoZoomer) дан фойдаланди. Пейер пиллакчаларининг умумий майдони, гумбаз қисми, фолликулалараро зонасининг майдони, герминатив марказга эга ва герминатив марказ тутмаган лимфоид фолликулаларнинг сони ва майдони, Т- ва В-га боғлиқ зоналари нисбати аниқланди.

Имуногистокимёвий текширувлардан Пейер пиллакчаларининг турли структур ва функционал зоналарида хужайраларнинг пролифератив фаоллиги ва апоптоз даражасини баҳолаш учун фойдаланилди.

Бўлинаётган хужайраларнинг маркер субстратларини аниқлаш учун моноклонал куён антитаналари - Ki-67, апоптотик хужайралар учун антиапоптотик моноклонал куён антитаналари - Bcl-2 (ThermoScientific, AQSh) дан фойдаланилди. Пролиферацияланувчи ва апоптозга учраган хужайралар Пейер пиллакчаларининг парафинли кесмаларида UltraVision (Thermo Scientific, AQSh) комплекси ёрдамида аниқланди. Кесмалар метилен кўк ёки нейтрал қизил билан бўялгандан сўнг, хужайралардаги реакция маҳсулоти жигаранг тусдаги тўпланмалар ҳолида кўринди.

Пролиферация индекси ва антиапоптотик индекс ёруғлик микроскопида 400 марта катталаштирилганда 10 та кўриш майдонида ПП структур-функционал зоналарининг 100 та хужайраларига нисбатан мос равишда Ki-67 ва Bcl-2-позитив хужайралар сонини санаш йўли билан аниқланди ва кўрсаткичлар фоизларда ифодаланди

Иммунофермент текширувлар учун 7, 14, 21 ва 30-кунлик каламуш болаларидан олинган қон зардобиди «HUMAN» (Германия) компаниясининг маҳсус тўпламлари ва «SINGL» спектрофотометри (Германия)дан фойдаланган ҳолда эркин тироксин ва ТТГ контцентрацияси аниқланди.

Барча рақамли маълумотлар вариацион статистик усули ёрдамида қайта ишланди. Ҳисоб-китоблар ва статистик таҳлиллар Windows учун статистик пакет ёрдамида амалга оширилди. Барча маълумотлар ўртача ± стандарт оғиш (SD) сифатида тақдим етилди. Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти Стюдент тести ёрдамида таққосланди; $P < 0,05$ қийматлари аҳамиятли деб топилди.

Диссертациянинг «**Эрта постнатал онтогенез динамикасида онадаги гипотиреозидизм ҳолатининг авлод жисмоний ривожланишига таъсири**» деб номланган учинчи бобида урғочи каламушларда чақирилган тажрибавий гипотиреознинг улардан туғилган авлодни жисмоний ривожланиши ва тиреозид статусига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Авлоднинг постнатал ривожланиши туғилгандан кейин бир ой давомида тирик ва ўлик туғилган каламушлар сони, зоометрик кўрсаткичлар динамикаси (тана вазни ва тана узунлиги), умумий жисмоний ривожланиши (қулоқ супрасининг ажралиш вақти, бирламчи ва иккиламчи жун билан қопланиши, курак тишларнинг чиқиши, кўзнинг очилиши, уруғдонларнинг мойка тушиши) кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Шунингдек, бир урғочи каламушнинг бир туғишдаги болалари сони, туғилган эркак ва урғочи каламуш болаларининг нисбати ва уларнинг 7 кунгача яшовчанлиги аниқланди.

Тадқиқотлар гипотиреоз чақирилган урғочи каламушлардан туғилган каламуш болалари сонининг камайганлигини кўрсатди, агар назорат гуруҳида битта урғочи каламушдан туғилган каламуш болалари сони ўртача – $8,7 \pm 0,6$ тани ташкил этган бўлса, гипотиреоз чақирилган тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткич $28,7\%$ га камайди ва уларнинг сони ўртача $6,2 \pm 0,4$ га тенг бўлди, эҳтимол бу урғочи каламушларда етилган ва овуляцияга учраган фолликулалар сонининг камайиши билан боғлиқ.

Туғилган каламуш болалари жинс бўйича таҳлил қилинганда, тажриба гуруҳида эркак каламушларнинг улушини бирмунча камайиши қайд этилди. Назорат ва тажриба гуруҳларида туғилган урғочи ва эркак каламуш болаларининг нисбати мос равишда 54,1:45,9 ва 58,5:41,5 ни ташкил этди.

Назорат гуруҳида 25 та урғочи каламушлардан жами 209 та, тажриба гуруҳида 23 та урғочи каламушлардан 135 та каламуш болалари туғилди. Каламуш болаларининг эрта постнатал ўлими назорат гуруҳида 2,4% ва тажриба гуруҳида 8,1% ни ташкил этди, иккала гуруҳда ҳам каламуш болаларининг ўлими туғилгандан кейинги дастлабки 7 кун ичида қайд этилди.

Илк постнатал даврда каламуш болаларини жисмоний ривожланишини кузатиш, назорат гуруҳи каламуш болаларида қулоқ супрасининг очилиши - 2-3 кун, бирламчи жун билан қопланиши - 5 кун, иккиламчи жун билан қопланиши – 9-10 кун, курак тишларининг чиқиши - 8 кун, кўзларининг очилиши - 13-14 кун, уруғдоннинг мойларга тушиши - 26-27 кунларда амалга ошири кузатилди, тажриба гуруҳида эса уруғдонларнинг мойка тушиши, кўзларининг очилиши, курак тишларининг чиқиши, тананинг иккиламчи жун билан қопланиши назорат гуруҳига нисбатан 3,7, 1,9, 1,2, 1,0 кунга кечикди (1 ва 2-расмлар, 2-жадвал).



1-расм. 14 кунлик назорат гуруҳи каламуш болалари



2-расм. 14 кунлик тажриба гуруҳи каламуш болалари

2-жадвал

Экспериментал гипотиреоз чақирилган оналардан туғилган авлоднинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлари | Назорат гуруҳи | Тажриба гуруҳи |
|---|---|----------------|----------------|
| 1 | Қулоқ супрасининг очилиши, кун | 2,4±0,04 | 3,1±0,21 |
| 2 | Тананинг бирламчи жун билан қопланиши, кун | 5,0±0,03 | 5,7±0,06 |
| 3 | Тананинг иккиламчи жун билан қопланиши, кун | 9,3±0,05 | 10,3±0,08* |
| 4 | Курак тишларининг чиқиши, кун | 8,1±0,05 | 9,3±0,05 |
| 5 | Кўзларининг очилиши, кун | 13,8±0,08 | 15,7±0,12* |

| | | | |
|---|--------------------------------|-----------|------------|
| 6 | Уруғдонларни мойка тушиши, кун | 26,5±0,05 | 30,2±0,06* |
|---|--------------------------------|-----------|------------|

Изоҳ: *- фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли, $P < 0,05$

Зоометрик кўрсаткичларини эътиборга олиб (тана вазни ва узунлигини ортиши) физиологик етуклик даражаси ҳисобланди, ҳаётининг 1, 14, 21 кунларида каламуш болаларининг тана вазни, узунлиги ўсиш динамикасини назорат ва тажриба гуруҳларида ўрганилди.

Каламуш болаларида тана вазнини кунлик ўсиши динамикасини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди: туғилгандан сўнг дастлабки 7 кунгача назорат гуруҳи каламушларида тана вазнининг кунлик ўсиши $0,8 \pm 0,04$ г ни ташкил этган бўлса, гипотиреозли оналардан туғилган авлодда ушбу кўрсаткич – $0,6 \pm 0,03$ г га тенг бўлди; 7-14 кунларда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳида ҳам, тажриба гуруҳида ҳам 1 ҳафтагача бўлган муддат кўрсаткичига нисбатан ишончли ошиб, мос равишда $1,4 \pm 0,08$ ва $1,1 \pm 0,06$ г ни ташкил қилди ва тана вазнининг кунлик ўсиши тажриба гуруҳида назоратга нисбатан бирмунча камайганлиги аниқланди. Тажрибанинг 15-30 кунлари давомида назорат ва тажриба гуруҳларида ушбу кўрсаткич мос равишда $1,5 \pm 0,08$ г ва $1,2 \pm 0,07$ г ни ташкил этди ва аввалги муддат кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилмади.

Тажриба гуруҳидаги каламуш болалари тана узунлигининг танқислиги бир кунлик каламуш болаларида 10,2% ни ташкил этган бўлса, постнатал онтогенезнинг 14- ва 30-кунларида ушбу кўрсаткич назорат гуруҳидаги аналогик кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 11% ва 12,8% га ошди.

Шундай қилиб, урғочи каламушларда ҳомиладорликкача чақирилган тажрибавий гипотиреоз авлоднинг жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатди, бу туғилгандан сўнг дастлабки бир ҳафта давомида назорат гуруҳига нисбатан нобуд бўлган каламуш болалари сонининг ортиши, динамикада тана вазнини йиғишнинг секинлашиши, тана узунлигининг танқислиги, физиологик етуклик белгилари (қулоқ супрасининг ажралиши, тананинг бирламчи жун билан қопланиши, курак тишларнинг чиқиши, кўзларнинг очилиши, уруғдонларни мойка тушиши)нинг шаклланиш жараёнларини кечикиши билан ифодаланади.

Урғочи каламушларда ҳомиладорликкача чақирилган гипотиреоз ҳолати улардан туғилган авлод қалқонсимон беши фаолиятида сезиларли ўзгаришларга олиб келди, бу тадқиқотнинг барча муддатларида тажриба гуруҳидаги каламушлар авлодининг қон зардобидagi эркин тироксин концентрациясини назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайиши билан ифодаланди. Назорат ва тажриба гуруҳларида Т4 гормони миқдоридagi энг катта фарқ туғилганидан кейинги 14- ва 21-кунларда кузатилди. Қалқонсимон без гормонлари миқдорининг камайиши ТТГ концентрациясининг ишончли ошиши билан бирга кечди.

Диссертациянинг «Соғлом оналардан туғилган авлодда ингичка ичак шиллик пардаси ва пейер пиллакчаларини ривожланиши ва шаклланишининг структур-функционал хусусиятлари» деб номланган

тўртинчи бобида соғлом оналардан туғилган авлодда илк постнатал онтогенез даврида ингичка ичак шиллик пардаси ва пейер пилакчаларининг шаклланишини структур ва функционал хусусиятлари баён этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, 3 кунлик каламуш болаларида ингичка ичакнинг узунлиги ўртача $29,8 \pm 1,5$ см ни ташкил этди, гистологик жиҳатдан унинг деворида шиллик, шиллик ости, мушак ва сероз пардалар ажралиб турди. Ушбу муддатда, ингичка ичакнинг шиллик пардаси бутун узунлиги бўйлаб эпителий қатлами, хусусий пластинка ва деярли ажратиб бўлмайдиган мушак пластинкадан иборат бўлиб, ворсинка ва крипталар етарлича ривожланмаган. Ворсинкаларнинг эпителий қатламида якка лимфоцитларни учратиш мумкин. Шиллик парданинг хусусий пластинкаси юпқа ретикуляр тўқимадан иборат бўлиб, унда лимфоид ҳужайралар ($28,5 \pm 1,6\%$), бластлар ($18,3 \pm 1,0\%$), фибробластлар ва фиброцитлар ($20,8 \pm 0,9\%$) ва ретикуляр ҳужайралар ($14,4 \pm 0,6\%$) жойлашган.

7 кунлик каламуш болаларида ингичка ичакнинг узунлиги олдинги муддатга нисбатан 1,26 мартага ошди ва ўртача 36,8 см ни ташкил этди. Ворсинка ва крипталарнинг фаол ривожланиши ва ўсиши билан бир вақтда хусусий пластинкада жойлашган ҳужайраларнинг зичлиги ошди. Шиллик пардада лимфоцитлар улуши – 10% га, плазматик ҳужайралар – 0,5 дан 2,2% гача, тўқима базофиллари – 1,6 дан 2,8% гача, эозинофиллар – 2,4 дан 3,8% гача ошди, бласт ҳужайраларнинг улуши 18,3 дан 5,1% гача камайди, маҳаллий ҳосил бўлган ёки капиллярлардан миграцияланган ҳужайраларда ихтисослашиш белгилари аниқланди.

Постнатал ривожланишнинг 14 кунига келиб, каламуш болалари ингичка ичагининг ўртача узунлиги 7 кунликка нисбатан 1,4 мартага, ворсинкаларнинг баландлиги ва крипталарнинг чуқурлиги мос равишда 1,2 ва 1,7 бароборга ошди. Олдинги муддат билан солиштирганда кичик эпителийлараро лимфоцитлар (ЭАЛ) сонининг ўн икки бармоқли ичак ворсинкалари эпителийсида – 25%, оч ичакда – 32% ва ёнбош ичакда – 30% ошганлиги аниқланди. Сийрак толали шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат хусусий пластинка майдон бирлигида ҳужайралар зичлиги $1046 \pm 32,0$ гача ошди. Цитограммада плазматик ҳужайралар улуши 2,5 баравар, эозинофилларнинг - 90%га, тўқима базофилларининг 64% га ошганлиги қайд этилди. ЭАЛ ва плазматик ҳужайраларнинг кўпайиши, эҳтимол, ушбу муддатга келиб каламуш болаларини аралаш овқатланишга ўтиши ҳамда ингичка ичак химуси ва эндоэкологиясининг ўзгаришлари билан боғлиқ.

Туғилгандан сўнг 3 ҳафта ўтгач, ингичка ичак крипта-ворсинка тизимининг деярли тўлиқ шаклланиши кузатилди. Тадқиқотнинг олдинги муддатига нисбатан ингичка ичак узунлигининг – 1,3, ворсинкалар баландлигининг – 1,1, крипталар чуқурлигининг – 1,5, шиллик парда қалинлигининг – 1,3 марта ошганлиги аниқланди. ЭАЛ миқдорининг ўн икки бармоқли ичак ворсинкаларида - 6,9%, оч ичакда - 8,6% ва ёнбош ичакда - 11,1% кўпайганлиги кузатилди. Хусусий пластинкада жойлашган ҳужайралар нисбати етук сутэмизувчилар кўрсаткичларига яқинлашди: бласт ҳужайралар деярли учрамади, ҳужайраларнинг тахминан учдан бир қисмини кичик

лимфоцитлар ташкил қилди, якка-якка ёки гуруҳлар ҳосил қилиб жойлашган плазматик ҳужайралар улуши ўртача 12% гача кўпайди.

Постнатал ривожланишнинг 30 кунига келиб, ингичка ичакнинг узунлиги, ворсинкаларнинг баландлиги ва крипталарнинг чуқурлиги мос равишда 1,3, 1,0 ва 1,4 марта ошиб, 80,5 см, 274 мкм ва 89,0 мкм ни ташкил этди. Ворсинка ва крипталарнинг яқуний шаклланиши билан бир вақтда ЭАЛлар сонининг барқарорлашиши аниқланди. Худди шундай, шиллик парда хусусий пластинкасида жойлашган ҳужайраларнинг сифат ва миқдорий таркибини шаклланганлиги қайд этилди.

Олинган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, ППнинг илк постнатал ривожланиш жараёни мураккаб ва кўп босқичли бўлиб, унда шартли равишда 3 та даврни ажратиш мумкин. Ушбу даврларнинг ҳар бири ўзига хос аниқ структур, морфометрик ва цитологик хусусиятлари билан тавсифланади:

